

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc. 04/05.06. 2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЛОВ КОЗИМ ЗАКИРОВИЧ

**СУРУНКАЛИ ТАРҚАЛГАН ПАРОДОНТИТНИНГ
РИВОЖЛАНИШИДА ПАРОДОНТ ТЎҚИМАЛАРИНИ ҚАЙТА
ТИКЛАШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИНИ
БАҲОЛАШ ВА УНИ ТУЗАТИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Адилов Козим Закирович

Сурункали тарқалган пародонтитнинг ривожланишида пародонт
тўқималарини қайта тиклаш белгиларининг диагностик аҳамиятини
баҳолаш ва уни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш..... 3

Адилов Козим Закирович

Оценка диагностического значения маркеров ремоделирования тканей
пародонта в развитии хронического генерализованного пародонтита и
пути его коррекции..... 27

Adilov Kozim Zakirovich

Assessment of the diagnostic value of periodontal tissue remodeling markers
in the development of chronic generalized periodontitis and approaches to its
correction..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc. 04/05.06. 2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЛОВ КОЗИМ ЗАКИРОВИЧ

**СУРУНКАЛИ ТАРҚАЛГАН ПАРОДОНТИТНИНГ
РИВОЖЛАНИШИДА ПАРОДОНТ ТЎҚИМАЛАРИНИ ҚАЙТА
ТИКЛАШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИНИ
БАҲОЛАШ ВА УНИ ТУЗАТИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib4304 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Ризаев Жасур Алимджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кубаев Азиз Саидалимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Гилева Ольга Сергеевна
профессор, тиббиёт фанлари доктори
(Россия Федерацияси).

Етакчи ташкилот:

**С.Д. Асфендияров номидаги Қозоқ миллий
тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил _____ кунини соат ____:____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ кунини тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.У. Лутфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлар доктори,
профессор

Ғ.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлар доктори, профессор

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлар
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, пародонтнинг яллиғланишли касалликлари кариесдан кейин тарқалиш жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллайди ва катта ёшдаги аҳоли орасида тиш йўқотишнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Сўнгги тадқиқотларга кўра, «...сурункали тарқалган пародонтит (СТП) МДХ мамлакатларида, жумладан Ўзбекистон Республикасида катта ёшлиларнинг 90% дан ортиғида ташхисланади. Шу билан бирга, ўсмирлар ва ёшлар орасида унинг аниқланиш частотаси тезлик билан ортиб бормоқда, бу пародонтнинг яллиғланиш-деструктив касалликлари эпидемиясининг кенг кўламли ва давом этаётганидан далолат беради...»¹. СТПни ўз вақтида ташхисламаслик ва даволашда шахсий ёндашувнинг йўқлиги альвеоляр ўсиқ суяк тўқимасининг прогрессив резорбциясига, тишларнинг йўқолишига, чайнов функциясининг ёмонлашишига ва беморларнинг ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади. Пародонтит нафақат стоматологик, балки сурункали яллиғланиш ва иммунитет механизмлари регуляциясининг бузилиши билан боғлиқ тизимли патология сифатида ҳам кўриб чиқилмоқда.

Жаҳонда тиббиётда замонавий тенденциялар яллиғланиш даражаси ва тўқималарнинг қайта тикланиш фаоллигини аниқ баҳолашга имкон берадиган молекуляр-биологик маркерлардан фойдаланишга қаратилган. Улар орасида регенерация ва яллиғланиш реакцияси жараёнларида иштирок этувчи периостин ва фибробластлар ўсишининг трансформацияловчи омили (TGF-β) каби оксилларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, ушбу биомолекулаларнинг СТПнинг турли босқичларидаги роли етарлича ўрганилмаган. Бундан ташқари, пародонт ҳолатини баҳолашнинг мавжуд усуллари кўпинча субъектив клиник кузатувларга асосланган бўлиб, ҳар доим ҳам касалликнинг ривожланишини аниқ башорат қилиш ёки терапия самарадорлигини баҳолаш имконини бермайди. Бу эса биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар таҳлиliga асосланган объектив диагностик мезонларни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини халқаро стандартларга мувофиқ арзон ва сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, профилактика дастурларини ишлаб чиқиш ва тиббий стандартлаштиришнинг ягона тизимини яратиш устувор йўналишлар сифатида белгиланди². Аҳолининг ҳаёт сифати, меҳнат

¹ Nazir MA. Prevalence of periodontal disease, its association with systemic diseases and prevention. // Int J Health Sci (Qassim). – 2017. - 11(2). – P. 72-80.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

қобилияти ва ижтимоий мослашувига сезиларли таъсир кўрсатадиган касалликларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, буларга пародонтнинг яллиғланиш касалликлари ҳам киради. СТПни ташхислаш ва даволашга индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш стоматологик ёрдамни яхшилаш ва пародонтологик касалликларнинг тиббий ва иқтисодий оқибатларини камайтириш бўйича давлат ташаббусларини амалга оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошинлч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали таркалган пародонтит (СТП) замонавий стоматологиянинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, у пародонт тўқималарида барқарор яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар, чайнов функциясининг бузилиши ва тишларнинг вақтидан олдин йўқолиш хавфининг юқорилиги билан тавсифланади. Сўнгги ўн йилликлардаги илмий изланишлар СТП патогенезини, айниқса яллиғланиш, тўқималарнинг парчаланиши ва тикланишининг молекуляр ҳамда ҳужайралар даражасидаги механизмларини ўрганишга қаратилган (Korte D.L., Kinane D.F., 2018; Offenbacher S. et al., 2020; Мусина Р.А., 2021). IL-1 β , IL-6, IL-8, IL-10, IL-17, IL-18 каби бир қатор цитокинлар, шунингдек, микробларга қарши LL-37 пептидининг яллиғланиш жараёнининг ривожланиши ва сурункали кечишидаги аҳамияти аниқланган. Шу билан бирга, касалликнинг турли босқичларида ушбу воситачилар даражасининг ўзгариш қонуниятлари, уларнинг ташхис қўйишдаги аҳамияти ва патологик жараён фаоллигининг объектив биомаркерлари сифатида амалиётда қўллаш имкониятлари тўлиқ ўрганилмаган (Кулагина Е.Ю. 2017; Novoa A. 2019; Рубникович С.П. 2020).

Шу билан бир вақтда, тўқималар қайта тузилиши маркерларини - хусусан, регенерация, остеогенез ва фиброз жараёнларини тартибга солувчи периостин ва фибробластларнинг трансформацияловчи ўсиш омили (TGF- β)

ўрганилмоқда. Ушбу молекулалар касалликнинг оғирлик даражаси ва регенератив терапия самарадорлигини башорат қилишнинг истиқболли кўрсаткичлари сифатида кўриб чиқилмоқда. Бироқ, мавжуд маълумотларнинг кўпчилиги фрагментар бўлиб, даволашдан олдин ва кейин динамикада клиник ва лаборатория таҳлиллари билан тасдиқланмаган. Мавжуд тадқиқотлар кўпинча сурункали тарқалган пародонтитнинг оғирлик даражаси бўйича клиник кўринишидаги фарқларни ҳисобга олмайди, шунингдек биомаркерлар даражасини пародонтал ҳолатнинг аниқ индекс кўрсаткичлари билан боғламайди. Бундан ташқари, фибрин мембраналари ва аппарат терапияси каби инновацион усулларни ўз ичига олган комплекс даволаш дастурлари доирасида ушбу маркерлардан фойдаланган ҳолда даволаш самарадорлигини кузатиш протоколлари етарлича ишлаб чиқилмаган (Desimone M.F., 2015; Першуткина А.А.; S.C. da Silva Santos, 2018; Ахмеров Р.Р., 2020; Камиров Х.П., Тураева и др.).

Республикамизда пародонт касалликларининг турли жиҳатларини ўрганиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган (Абдувакилов Ж.У. 2016; Бекжанова О.Е. 2010; Ризаев Ж.А. 2020; Ҳайдаров А.М. 2016; Ризаев Э.А. ва бошқалар). Бироқ, тўпланган назарий маълумотларга қарамай, сурункали тарқалган пародонтитда яллиғланиш ва тўқималар қайта тузилиши маркерларининг ташхис аҳамиятини комплекс баҳолаш муаммоси ҳали етарлича ҳал этилмаган. Бу эса мазкур маркерларнинг информативлигини текшириш ва пародонт касалликларини шахсийлаштирилган даволашда улардан фойдаланишни асослаш учун тизимли клиник ва лаборатория тадқиқотларини ўтказиш зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-2028 йилларга мўлжалланган 012400289–рақамли «Юз-жағ соҳаси жароҳатлари, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилди (2023-2024).

Тадқиқот мақсади: Периостин ва фибробластларнинг трансформацияловчи ўсиш омили (TGF-β) нинг пародонт тўқималарида яллиғланиш ва қайта шаклланиш жараёнларидаги ролини ўрганиш орқали сурункали тарқалган пародонтитни ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган чора тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

турли оғирлик даражасидаги сурункали тарқалган пародонтит билан оғриган беморларда аутоплазма фибрин мембраналари ва Vector аппаратини қўллашни ўз ичига олган комбинацияланган регенератив даволаш усулининг самарадорлигини стандарт даволаш билан таққослаб баҳолаш.

касалликнинг оғирлик даражасига қараб, милк суюқлигидаги яллиғланишга қарши ва яллиғланишни қўзғатувчи цитокинлар (IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, IL-10, IL-17, IL-18) ҳамда антимикроб пептид LL-37 миқдорини ўрганиш.

сурункали тарқалган пародонтит билан оғриган беморларда даволашдан олдин ва кейин милк суюқлигидаги периостин ва фибробластлар ўсишини ўзгартирувчи омил (TGF- β) даражасининг ўзгаришини баҳолаш.

пародонт тўқималарининг қайта шаклланиш биомаркерлари сифатида периостин ва TGF- β даражаларининг сезгирлиги, ўзига хослиги ва прогностик аҳамиятини аниқлаш ҳамда даволаш самарадорлигини башорат қилиш.

биокимёвий ва клиник кўрсаткичлар асосида сурункали пародонтитнинг оғирлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва аниқланган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда даволашга комплекс ёндашувни асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида енгил, ўрта ва оғир даражадаги сурункали тарқалган пародонтит ташхиси билан стоматологик ёрдамга мурожаат қилган 18-54 ёшдаги 108 нафар бемор олинган. Турли оғирлик даражасидаги СТП билан оғриган беморлар орасидан асосий ва назорат гуруҳларида бир хил ёш-жинс тақсимотига эга бўлган 2 та бир хил, вакиллик гуруҳини шакллантирдик. Шунингдек, нисбатан соғлом пародонт ташхиси қўйилган 14 киши (таққослаш гуруҳи) тадқиқот объекти бўлди.

Тадқиқот предмети: биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари учун милк қирғоғидан ва пародонтал чўнтакдан олинган милк суюқлиги.

Тадқиқот усуллари: Клиник, объектив, субъектив, рентгенологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сурункали тарқалган пародонтитда милк суюқлигидаги метаболик ўзгаришларнинг кенг қамровли патофизиологик ва клиник-лаборатория таҳлили ўтказилди, IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, IL-10, IL-17, IL-18 ва антимикроб пептид LL-37 концентрациясининг яллиғланиш даражасига боғлиқлиги исботланди, бу эса уларнинг патогенетик роли ва ташхис аҳамиятини тасдиқлайди;

биринчи марта сурункали тарқалган пародонтит билан оғриган беморларда даволашдан олдин ва кейин милк суюқлигидаги периостин ва фибробластларнинг ўсишини ўзгартирувчи омил (TGF- β) даражасидаги ўзгаришларнинг патогенетик аҳамияти ўрганилди ва исботланди, бу эса уларни пародонт тўқималарини қайта шакллантириш кўрсаткичлари сифатида қўллаш имконини беради;

Илк бор сурункали тарқалган пародонтитни даволашда инновацион терапевтик ёндашувлар ишлаб чиқилди ва асослаб берилди. Ушбу

ёндашувлар яллиғланишга қарши ва микробларга қарши воситаларни шахсий танлаш асосида аутоплазма фибрин мембраналарини қўллаш ҳамда Vector аппаратли терапиясини ўз ичига олган комбинацияланган регенератив даволашни назарда тутди.

сурункали тарқалган пародонтитни регенератив даволаш самарадорлигини аутоплазмадан олинган фибрин мембраналарини Vector аппарати билан биргаликда қўллаш орқали илк бор комплекс клиник баҳолаш ўтказилди, бу усулнинг анъанавий даволашга нисбатан регенерацияни рағбатлантириш, яллиғланишни камайтириш ва клиник кўрсаткичларни яхшилаш нуқтаи назаридан устунлиги тасдиқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Турли оғирликдаги сурункали тарқалган пародонтит билан оғриган беморларда гигиеник ва пародонтал индекслар динамикасини баҳолашнинг амалий аҳамияти асосланди, бу касалликнинг клиник манзарасини холисона баҳолаш, унинг ривожланишини кузатиб бориш ва даволаш чоратадбирларининг самарадорлигини тўғрилаш имконини беради.

Сурункали пародонтитда яллиғланиш-деструктив жараёнларни эрта аниқлаш ва шахсга йўналтирилган даволаш тактикасини танлашга ёрдам берадиган ташхис воситаси сифатида милк эгати суюқлигидаги IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, IL-10, IL-17, IL-18 ва LL-37 даражаларини миқдорий баҳолашдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги исботланди.

Даволашдан олдин ва кейин милк суюқлигидаги периостин ва фибробластларнинг трансформацияловчи ўсиш омили (TGF- β) даражасини баҳолашнинг ташхисий ва прогностик аҳамияти аниқланди, бу эса мазкур биомаркерлардан пародонт тўқималарининг қайта тикланишини ва қўлланилаётган терапиянинг самарадорлигини кузатиш учун фойдаланиш имконини беради.

Сурункали тарқалган пародонтитни даволашда аутоплазма фибрин мембраналари ва Vector аппарати билан даволашни комплекс қўллашнинг юқори клиник самарадорлиги исботланди, бу регенерация жараёнларини фаоллаштириш, яллиғланишнинг яққоллигини камайтириш ва беморнинг пародонтал ҳолатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник-функционал ва биокимёвий текширув усуллариининг қўлланилиши, беморлар сонининг етарлилиги, статистик таҳлил усуллариининг асосли танлови, олинган натижаларнинг халқаро тадқиқотлар билан таққосланиши ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан натижалар ва хулосаларнинг тасдиқланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижалари муҳим илмий аҳамиятга эга, чунки илк бор яллиғланиш ва пародонт тўқималари қайта шаклланишининг биокимёвий кўрсаткичлари - периостин, TGF- β , яллиғланишга оид ва яллиғланишга қарши цитокинлар, шунингдек, микробларга қарши LL-37 пептиди

ўртасидаги патогенетик боғлиқликлар аниқланган ва асосланган. Ушбу кўрсаткичларни миқдорий баҳолашни ўз ичига олган комплекс клиник-лаборатория ёндашуви сурункали тарқалган пародонтитда яллиғланиш-деструктив жараёнлар динамикасини батафсил тавсифлаш имконини берди. Бу касаллик патогенези ҳақидаги фундаментал тушунчаларни кенгайтиради ва эрта ташхис қўйиш, прогноз бериш ҳамда даволаш самарадорлигини назорат қилиш учун илмий ва клиник тадқиқотларда янги биомаркерлардан фойдаланишни асослайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, милк эгати суюқлигидаги периостин, TGF- β ва цитокинлар даражасини баҳолаш асосида сурункали тарқалган пародонтит оғирлик даражасининг объектив ташхис мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат, бу эса ташхис аниқлигини оширади ва даволаш ёндашувларини индивидуаллаштириш имконини беради. Комплекс терапияда аутоплазма фибрин мембраналари ва Vector аппаратини биргаликда қўллашнинг самарадорлиги исботланган бўлиб, бу аниқ клиник натижани таъминлайди, тикланиш жараёнларини фаоллаштиради ва касалликнинг қайтарилиш хавфини камайтиради. Олинган маълумотлар клиник амалиётга муваффақиятли жорий этилган, меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган ва соғлиқни сақлаш тизими учун юқори ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18/34-сонли хулосасига асосан қуйидагилар тақдим этилди:

Биринчи илмий янгилик: сурункали тарқалган пародонтитда милк суюқлигидаги метаболик ўзгаришларнинг комплекс патофизиологик ва клиник-лаборатор таҳлили илк бор ўтказилди, IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, IL-10, IL-17, IL-18 ва антимикроб пептид LL-37 концентрациясининг яллиғланиш даражасига боғлиқлиги исботланди, бу эса уларнинг патогенетик роли ва диагностик аҳамиятини тасдиқлайди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши: Тадқиқот натижалари «Десневая жидкость и ее анализ — эффективный способ мониторинга состояния пародонта и диагностики воспалительных процессов» услубий тавсияномасига киритилди (СамДТУ эксперт кенгашининг 2024 йил 25 декабрдаги 5-сонли баённомаси билан тасдиқланган). 2025 йил 28 февралдаги 12-сон ва 10-сонли буйруқларга мувофиқ, улар Тошкент шаҳридаги 2-сон болалар стоматология поликлиникаси ва Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Цитокин профили ва LL-37 асосидаги эрта лаборатор ташхис сурункали тарқалган пародонтитни клиник олди босқичидаёқ аниқлаш имконини беради. Бу оғир шакллар ва асоратларни камайтиради, стоматологга мурожаат қилиш частотасини пасайтиради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Қайта моделлаштириш маркерларини жорий этиш даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказишга ёрдам беради.

Бир бемор учун иқтисодий кўрсаткич: Сурункали тарқалган пародонтит билан оғриган беморларнинг белгиларини аниқлаш учун қуйидагилар талаб этилади: беморни стоматолог кўригидан ўтказиш (ТДСИ терапевтик стоматология поликлиникаси прејскурантига кўра, стоматолог маслаҳати нархи 50 000 сўм); ПЦР таҳлилининг ўртача нархи 150 000 сўм), юқорида келтирилганларга кўра, умумий иқтисодий самарадорлик 200 минг сўмни ташкил этади. Асоратли парадонт яллигланиш касалликдларини даволашнинг ўртача харажатлари эса ҳар бир бемор учун 500 000 сўмдан 2 500 000 сўмгача боради. Хулоса: СТПни эрта аниқлаш ҳар бир бемор учун 300 000 сўмдан 2 300 000 сўмгача ва 1000 кишини текширишда 2,3 миллиард сўмгача маблағни тежаш имконини беради. Бу эса профилактик кўриқлар ва лаборатория диагностикасининг юқори иқтисодий мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Иккинчи илмий янгилик: сурункали тарқалган пародонтит билан оғриган беморларда даволашдан олдин ва кейин милк суюқлигидаги периостин ва фибробластларнинг трансформатсияловчи ўсиш омилли (TGF-β) даражасидаги ўзгаришларнинг патогенетик аҳамияти биринчи марта ўрганилиб, исботланди, бу уларни парадонт тўқималарини қайта моделлаштириш маркерлари сифатида фойдаланиш имконини беради. **Илмий янгиликларнинг амалиётга жорий этилиши:** Тадқиқот натижалари “СТП билан оғриган беморларда парадонт тўқималарининг регенератив терапиясида милк суюқлигидаги периостин даражасини баҳолаш” услубий тавсияномасига киритилди (СамДТУ эксперт кенгашининг 2024 йил 25 декабрдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган). 2025 йил 28 февралдаги 12-сон ва 10-сон буйруқларга мувофиқ, улар Тошкент шаҳридаги 2-сон болалар стоматология поликлиникаси ва Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси амалиётга татбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: периостин ва TGF-β нинг парадонтни қайта моделлаштириш маркерлари сифатидаги патогенетик роли тасдиқланди. Уларни клиникада миқдорий баҳолашнинг жорий этилиши даволашни шахсийлаштириш, стоматологик ёрдамнинг қулайлиги ва самарадорлигини ошириш, сурункали тарқалган парадонтит билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: анъанавий диагностика усуллариға нисбатан иқтисодий фойда, ташхис қўйиш вақтини қисқартириш, қўшимча лаборатория текширувлари харажатларини камайтириш, касалликни эрта аниқлаш ва асоратлар ривожланиш хавфини минималлаштириш орқали даволаш самарадорлигини оширишдан иборат, бу узок муддатда қимматбаҳо жарроҳлик аралашувлари ва протезлаш харажатларини камайтиради. Хулоса: парадонт яллигланиш касалликдларини эрта ташхислаш ҳар бир бемор учун 300 000 сўмдан 2 300 000 сўмгача ва 1000 кишини текширишда 2,3 миллиард сўмгача маблағни тежаш имконини

беради. Бу эса профилактик кўриklar ва лаборатория диагностикасининг юқори иқтисодий мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Учинчи илмий янгилик: сурункали тарқалган пародонтитни даволашнинг инновацион терапевтик ёндашувлари ишлаб чиқилди ва асосланди, булар яллиғланишга қарши ва микробларга қарши воситаларни шахсийлаштирган ҳолда танлаш асосида аутоплазма фибрин мембраналари ва Vector аппаратли терапиясини қўллаш билан биргаликда олиб бориладиган регенератив даволашни ўз ичига олади. Илмий янгиликларнинг амалиётга жорий этилиши: Тадқиқот натижалари “Сурункали тарқалган пародонтит билан оғриган беморларда пародонт тўқималарининг регенератив терапиясида милк суюқлигидаги периостин даражасини баҳолаш” услубий қўлланмасига киритилди (СамДТУ эксперт кенгашининг 2024 йил 25 декабрдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган). 2025 йил 28 февралдаги 12-сон ва 10-сон буйруқлар асосида улар Тошкент шаҳридаги 2-сонли болалар стоматология поликлиникаси ва Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: сурункали тарқалган пародонтитни даволашда инновацион терапевтик ёндашувларни қўллаш ўз вақтида аралашувга ва асоратлар сонини камайтиришга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида оғриқ, қон кетиш ва тишларни олиб ташланишини камайтириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, шунингдек, шошилишч мурожаат ва стоматологик аралашувлар сонини камайтириш ҳисобига соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган юкни пасайтиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: касалликнинг асоратланган шаклининг оғирлик даражасига қараб, бир бемор учун 300 000 сўмдан 2 300 000 сўмгача тежаш имконини беради. 1000 нафар бемор текширилганда, соғлиқни сақлаш тизими учун умумий тежамкорлик 300 миллион сўмдан 2,3 миллиард сўмгача ўзгаради, бу даволаниш харажатларининг сезиларли даражада камайтганини тасдиқлайди. Хулоса: Яллиғланиш-деструктив жараёнларни эрта ташхислашни жорий этиш молиявий харажатларни сезиларли даражада камайтириш, асоратли ҳолатлар сонини пасайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган юкни камайтириш имконини беради. Бу замонавий диагностика усуллари стоматология амалиётига кенг жорий этиш зарурлигини тасдиқлайди.

Тўртинчи илмий янгилик: сурункали тарқалган пародонтитни регенератив даволаш самарадорлигини аутоплазма фибрин мембраналарини Vector аппарати билан биргаликда қўллаш орқали комплекс клиник баҳолаш ўтказилди, бу усул регенерацияни рағбатлантириш, яллиғланишни камайтириш ва клиник кўрсаткичларни яхшилаш нуктаи назаридан анъанавий даволашдан устунлигини кўрсатди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши: Тадқиқот натижалари “СТП билан оғриган беморларда пародонт тўқималарининг регенератив терапиясида милк

суяқлигидаги периостин даражасини баҳолаш” услубий тавсияномасига киритилди (СамДТУ эксперт кенгашининг 2024 йил 25 декабрдаги 5-сонли баённомаси билан тасдиқланган). 2025 йил 28 февралдаги 12-сон ва 10-сонли буйруқлар билан улар Тошкент шаҳридаги 2-сон болалар стоматология поликлиникаси ва Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси амалиётига мос равишда татбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Фибрин мембраналари ва Vector аппарати билан комбинацияланган регенератив терапия анъанавий усулларга нисбатан даволаниш учун молиявий харажатларни 60-92% га камайтириши ва беморларнинг тикланишини тезлаштириши исботланди. Бу ташрифлар сонини камайтиради, меҳнатга лаёқатсизлик вақтини қисқартиради ва стоматологик ёрдам кўрсатишнинг умумий самарадорлигини оширади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ремоделлаштириш маркерларини жорий этиш терапевтик ва профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ўтказишга ёрдам беради. Бир бемор учун иқтисодий кўрсаткич: СТП билан оғриган беморларда яллиғланиш белгиларини аниқлаш учун куйидагилар талаб этилади: беморни стоматолог кўригидан ўтказиш (ТГСИ терапевтик стоматология поликлиникаси прејскурантига кўра, стоматолог маслаҳати нархи 50.000 сўм); ПЦР таҳлилининг ўртача нархи 150.000 сўм; юқоридагиларга кўра, умумий иқтисодий самарадорлик 200.000 сўмни ташкил этади. Асоратланган пародонтнинг яллиғланишли касалликларини даволаш учун ўртача харажатлар - ҳар бир бемор учун 500.000 сўмдан 2.500.000 сўмгача. Хулоса: Пародонтнинг яллиғланишли касалликларини регенератив даволаш усуллари жорий этиш стоматологга ташрифлар сонини камайтириб, нафақат молиявий харажатларни қисқартиради, балки асоратлар хавфини пасайтиради, даволаш самарадорлигини оширади ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади. Бу регенератив терапиянинг замонавий усуллари кенг жорий этиш зарурлигини тасдиқлайди. Ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш харажатларни иқтисодий жиҳатдан камайтиришга ёрдам беради. Бу ташрифлар сони ва даволаниш вақтини 2-3 баробарга қисқартириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ўтказилган тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19та илмий иш чоп этилган, шулардан 9 таси журнал мақолалари бўлиб, уларнинг 4 таси республика ва 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқ ифодаланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, шунингдек, натижаларни соғлиқни сақлаш тизимида жорий этиш, нашрлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пародонтитда пародонт тўқималарининг қайта шаклланиш жараёнига замонавий қарашлар ва уни тузатиш йўллари”** деб номланган биринчи бобида пародонт тўқималарининг яллиғланиш билан кечадиган касалликлари этиопатогенезининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Бунда микрофлора ва яллиғланишга қарши механизмлар ҳамда реактив тизим ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши иммунологик нейтралликнинг издан чиқишига олиб келиши таъкидланган. Пародонтитни даволашга замонавий ёндашувлар баҳоланган бўлиб, стоматологлар, пародонтологлар, ортодонтлар ва терапевтларнинг ҳамкорлиги даволаш самарадорлигини ошириши ва беморлар аҳволини яхшилашини тасдиқлаган.

Диссертациянинг **“Материалнинг умумий тавсифи ва асосий тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети ва ТДСИ факультет терапевтик стоматология кафедраларида негизида сурункали тарқалган пародонтит (енгил, ўрта ва оғир даража) билан оғриган беморларнинг стоматологик ҳолати баҳоланган. Текширув доирасида пародонтит билан касалланган 108 нафар бемор ва амалда соғлом пародонтли 14 нафар бемор клиник, рентгенологик ва биокимёвий текширувлардан ўтказилган.

Жами 122 киши текширилди, улардан 108 нафари турли даражадаги пародонт яллиғланиши билан оғриган беморлар ва 14 нафар клиник жиҳатдан соғлом кўнгилли донорлар эди. Пародонт яллиғланиши билан оғриган беморлар орасида СТПнинг енгил даражаси билан 36 нафар, ўрта оғир даражаси билан 36 нафар ва оғир даражаси билан 36 нафар беморлар аниқланди. Аёллар 55,6%, эркеклар 44,4% ни ташкил этди. Барча гуруҳлар ўртасида ёш-жинс тақсимооти бир хил бўлган иккита репрезентатив гуруҳ шакллантирилди.

Киритиш мезонлари: пародонтнинг яллиғланиш касалликлари, милклардан қон кетишига шикоятлари ёки қўллаб-қувватловчи терапияда бўлган 18-54 ёшдаги компенсацияланган умумий аҳволи бўлган беморлар.

Истисно мезонлари: ҳомиладорлар, эмизикли аёллар, чекувчилар, сўнгги 6 ой ичида пародонтал терапия ёки сўнгги 3 ой ичида дори-дармон қабул қилган шахслар, ўткир тизимли касалликларга чалинган беморлар (қандли диабет, саратон, ошқозон-ичак тракти, юрак-қон томир тизими, қалқонсимон без касалликлари), алкоголиклар, II даражадан юқори ҳаракатчан тишлар, эндопародонтал шикастланишлар ёки санация қилинмаган оғиз бўшлиғи.

Комплекс стоматологик текширув қуйидагиларни ўз ичига олди: Тадқиқот иштирокчиларига В.С.Иванов (1998) усули бўйича оғиз бўшлиғи

ҳолатини комплекс текшириш ўтказилди. Беморларнинг шикоятлари таҳлили шуни кўрсатдики, улар оғирлик даражасига қараб тарқалган пародонтитнинг классик клиник кўринишини акс эттирди. Энг кўп учрайдиган шикоят милклардан қон кетиши эди. Овқатланиш пайтида оғриқ ва ноқулайлик, кичишиш, милк четининг косметик нуқсони қайд этилди. Гиперестезия 66% да, гигиеник муолажаларда оғриқ, тишларнинг қимирлаши, галитоз кузатилди. Умумий белгилар - бош оғриғи, ҳолсизлик, уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг пасайиши беморларнинг 26% да қайд этилди.

Клиник кўрикда тиш формуласи, прикус, қаттиқ тўқималар, юганчалар, тортмалар ҳолати, артикуляция, экссудат мавжудлиги, милк рангининг ўзгариши (гиперемия, цианоз), милк қирраси гипертрофияси, милк индекси (GI, Loe-Silness, 1967) ва қон кетиш индекси (mSBI, Muhlemann-Son) қайд этилди. Шунингдек, юмшоқ караш ва тиш карашларининг мавжудлиги (OHI-S, Green & Vermilion, 1960), тишларнинг патологик ҳаракатчанлиги (Д.А.Энтин бўйича), пародонтал чўнтакларнинг чуқурлиги, пародонтал индекс (PI Russel, 1967) ва рентгенологик тадқиқотлар натижалари (визиография, ортопантомография) баҳоланди. Клиник жиҳатдан соғлом кўнгиллилар бир марта, яллиғланиш касалликлари бўлган беморлар эса биринчи мурожаатда, даволанишдан 10 кун ўтгач ва даволанишдан 6 ой ўтгач текширилди.

Сурункали тарқалган пародонтитнинг оғирлик даражаси клиник ва рентгенологик текширувлар асосида белгиланди.

Милк чуқурчаси таркибининг биокимёвий таҳлили: Милк суюқлигидаги цитокинлар (IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, IL-10, IL-17, IL-18) ва микробларга қарши пептид кателицидин LL-37 даражасини аниқлаш “MINDRAY” автоматик анализаторида қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил усули билан амалга оширилди. Ўлчовлар реакция тўхтатилгандан сўнг 10-15 дақиқа ичида “Вектор Бест” фирмаси реактивларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Тадқиқотлар таққослаш гуруҳида, асосий ва назорат гуруҳларида даволашдан олдин ўтказилди.

Периодонтал бойламлар ва суяк усти пардасининг регенерациясини баҳолаш учун милк суюқлигидаги периостин ва TGF фибробластлар ўсишининг трансформатсияловчи омили даражаси дастлабки босқичда ва 6 ойдан кейин ўлчанди. Суюқлик йиғиш клиник кўриқдан кейинги кун эрталаб соат 9 дан 11 гача (2 дақиқа) суткалик ўзгаришларни истисно қилиш учун микрокапилляр пипеткалар ёрдамида амалга оширилди. Йиғишдан олдин милк сув билан ювилди, ҳаво билан қуритилди ва қон кетишининг ва сўлак билан ифлосланишининг олдини олиш учун валиклар билан изоляция қилинди.

Platelet-Rich Fibrin ни тайёрлаш протоколи қуйидаги босқичларни ўз ичига олган:

- Тиш караши олиб ташлангандан сўнг, тирсак венасининг венепункцияси капалак игна ва 10 мл вакуумли пробирка (антикоагулянтларсиз) ёрдамида амалга оширилди.

- Қон олингандан сўнг дарҳол 9 дақиқа давомида 2800 айланиш тезлигида центрифуга қилинди, натижада эритроцитлар ва плазма ўртасида тромбоцитларга бой фибрин (ПРФ) лахтаси ҳосил бўлди.

- Лахта пинцет ва қайчи билан ажратилди, стерил салфеткалар орасига жойлаштирилди ва 1 мм қалинликда сиқилди.

- Олинган тромбоцитларга бой фибрин бўлаклари пародонтал чўнтак асосига киритилди ва материалнинг силжишини олдини олиш учун беморларга муолажадан кейинги биринчи кун тишларни тозаламаслик тавсия этилди.

Периостин даражасини аниқлаш тегишли реагентлар тўпламидан фойдаланган ҳолда иммунофермент таҳлил (ELISA) усули билан амалга оширилди.

Диссертацияни «**Шахсий тадқиқотлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида сурункали тарқалган пародонтитнинг турли оғирлик даражаси (K05.3) билан касалланган беморларда пародонт тўқималарининг ҳолатини тавсифловчи клиник маълумотлар бўйича комплекс таҳлил ўтказилди. Олинган натижалар пародонтнинг деярли соғлом ҳолатига эга назорат гуруҳига нисбатан беморларда пародонтал статус корсаткичлари ишончли даражада емонлашганини кўрсатди.

Пародонт тўқималаридаги ўзгаришларнинг оғирлик даражаси ортиши билан сурункали тарқалган пародонтитли беморларда даволашдан олдин клиник кўрсаткичларнинг изчил ўсиши аниқланди ($p < 0,05$): OHI-S индекси 1,4 дан 2,9 гача (2,0 марта), GI — 0,95 дан 2,8 гача (2,9 марта), PI (Russel бўйича) — 2,9 дан 6,6 гача (2,3 марта), mSBI — 0,5 дан 2,8 гача (5,6 марта) ошди. Пародонтал чўнтак чуқурлиги 3,5 мм дан 6,5 мм гача (1,9 марта), тишларнинг патологик қимирлаши 1,2 дан 3,0 баллгача (2,4 марта), КПУ эса 19% га (7,2 дан 8,6 гача) ортиб, яллиғланиш-деструктив жараёнларнинг прогрессив хусусиятини кўрсатди ($p < 0,05$).

Даволашдан сўнг асосий гуруҳ беморларида пародонтал индекс (PI) барча оғирлик даражаларда сезиларли камайган: сурункали тарқалган пародонтитни енгил даражасида — 2,4 марта (2,3 дан 0,96 гача), ўрта даражасида — 2,6 марта (3,1 дан 1,19 гача), оғир даражасида — 2,7 марта (3,8 дан 1,39 гача; $p < 0,05$). Назорат гуруҳида ўзгаришлар камроқ бўлиб, ўртача 1,7–1,9 марта камайиш қайд этилди. Шу тариқа, қўлланилган комплекс регенератив терапия стандарт даволашга нисбатан пародонт ҳолатини барқарорлаштириш ва пародонтал индексларини кўрсаткичини сезиларли даражада пасайтиришга эришиш имконини берди

Биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгариши бўйича маълумотлар диссертациянинг— «**Биокимёвий тадқиқотлар**» деб номланган тўртинчи бобида сурункали тарқалган пародонтитнинг турли оғирлик даражаларидаги беморларда цитокин профили ва антимикроб фаолликнинг хусусиятларини баҳолашга қаратилган комплекс биокимёвий тадқиқотлар натижалари баён этилган. Даволашгача бўлган даврда барча клиник гуруҳлардаги беморларда проинфламатор цитокинлар (IL-1 β , IL-6, IL-8, IL-17, IL-18) концентрациясининг ишончли ошиши аниқланди, бу яллиғланиш жараёнининг кучайганлиги ва пародонт тўқималарида деструктив ўзгаришлар хавфининг юқорилигини кўрсатади (1-жадвал). Енгил даражадаги касалликда LL-37 каталицидининг концентрацияси ўртача 1,6

мартага ошган бўлиб, бу антимикроб ҳимоянинг компенсацион стимуляциясини акс эттиради. Бироқ яллиғланиш-деструктив жараён авж олган сари LL-37 даражаси пасайган (ўртача даражада 1,13 мартага ва оғир даражада 2 мартага), бу эса яллиғланган тўқималардаги гипоксия ва маҳаллий ҳимоя механизмларининг сусайиши билан изоҳланиши мумкин. Комплекс даволашдан сўнг яллиғланишни фаоллаштирувчи цитокинлар микдорининг ишончли камайиши ва LL-37 даражасининг ошиши кузатилди, бу яллиғланиш ва қарши яллиғланиш медиаторлари ўртасидаги регулятор мувозанатнинг тикланиши ҳамда пародонт тўқималарида репаратив ва ҳимоявий жараёнларнинг фаоллашувини кўрсатади.



1-жадвал

Сурункали тарқалган пародонтитни турли оғирлик даражасидаги беморларда милк суюқлигидаги цитокинлар микдори

Кўрсаткич	Соғломлар n=14	СТП б-н оғирган беморлар n=54		
		Енгил даражали n=18	Ўрта даражали n=18	Оғир даражали n=18
IL -1 β , пг/мл	4,21 $\pm$ 0,45*	5,31 $\pm$ 0,39	8,59 $\pm$ 0,77	13,34 $\pm$ 0,87
IL -4 пг/мл	5,21 $\pm$ 0,46	1,03 $\pm$ 0,01	4,81 $\pm$ 0,21	15,34 $\pm$ 0,87
IL -6, пг/мл	12,68 $\pm$ 1,54	18,67 $\pm$ 1,71	24,71 $\pm$ 3,24	76,34 $\pm$ 5,45
IL -8, пг/мл	2,87 $\pm$ 0,25	4,58 $\pm$ 0,39	10,36 $\pm$ 0,87	18,79 $\pm$ 0,91
IL -10, пг/мл	7,47 $\pm$ 0,63	7,04 $\pm$ 0,59	6,13 $\pm$ 0,49	3,73 $\pm$ 2,59
IL -17, пг/мл	16,94 $\pm$ 1,43	17,03 $\pm$ 1,52	19,07 $\pm$ 1,54	24,13 $\pm$ 2,11
IL -18, пг/мл	12,56 $\pm$ 1,28	13,68 $\pm$ 1,31	20,72 $\pm$ 2,05	29,47 $\pm$ 3,29
Кателецидин (LL-37) нг/мл	24,13 $\pm$ 2,14	37,64 $\pm$ 3,52	21,34 $\pm$ 2,12	12,16 $\pm$ 1,17

Изоҳ: *- кўрсаткичлар амалий соғлом шахслар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқларга эга ($p < 0,05$).

Сурункали тарқалган пародонтитда касалликнинг оғирлик даражаси ошиши билан периостин даражасининг сезиларли даражада пасайиши кузатилади. Соғлом беморларда бу кўрсаткич 409,63 пг/мкл ни ташкил этади. Касалликнинг енгил даражасида периостин даражаси 149,54 $\pm$ 12,43 пг/мкл гача пасаяди, бу тўқималар деструкциясининг бошланишини кўрсатади. Касалликнинг ўрта оғир даражасида кўрсаткич 82,68 пг/мкл гача, касалликнинг оғир даражасида эса периостин даражаси атиги 51,48 пг/мкл гача пасаяди, бу пародонт тўқималарида патологик жараёнларнинг ривожланишини тасдиқлайди. Бундай динамика периостиннинг сезиларли даражада пасайишини кўрсатади, бу эса касалликнинг оғирлиги ошиши билан пародонт тўқималарида регенератив жараёнларнинг бузилиши ва деструктив ўзгаришларнинг кучайишини кўрсатиши мумкин (1-расм).



1-расм. Даволашдан олдин меъёрда ва турли оғирликдаги СТП да периостин ва TGF- β даражаси кўрсаткичлари

Фибробластларнинг ўсиш омили (TGF- β) бўйича маълумотлар таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: - Меъёр: $3842,8 \pm 346,6$ - СТП нинг енгил даражаси: $4238,2 \pm 348,4$ - СТП нинг ўрта оғирлик даражасида: $5219,7 \pm 348,4$ - СТП нинг оғир даражасида: $6325,3 \pm 472,6$ тенг. Касалликнинг оғирлик даражаси ошиши билан фибробластларнинг ўсиш омили даражасининг ошиши кузатилади. Бу шуни кўрсатадики, яллиғланишнинг ривожланиши билан пародонт тўқималарида шикастланишларни қоплашга қаратилган ремоделланиш жараёнлари фаоллашади. Бироқ, жуда юқори кўрсаткичлар, айниқса касалликнинг оғирдаражасида, пародонт тўқималарида деструктив жараёнларнинг кучайишини ҳам акс эттириши мумкин. Хулоса: Фибробластларнинг ўсиш омили даражаси яллиғланишга жавобан тўқималарнинг қайта шаклланиши ва парчаланиши фаоллигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин, бу эса касаллик кучайган сари ортиб боради.

Жадвал 2

Назорат гуруҳидаги СТП билан оғриган беморларда пародонт ҳолатини индекс баҳолаш.

Пародонтал статус	СТПЕД билан оғриган беморлар		СТПЎД билан оғриган беморлар		СТПОД билан оғриган беморлар	
	даводан олдин	даводан кейин	даводан олдин	даводан кейин	даводан олдин	даводан кейин
ОHI-S	$1,45 \pm 0,11^*$	$0,15 \pm 0,01$	$2,3 \pm 0,14$	$0,34 \pm 0,22$	$2,90 \pm 0,18$	$0,5 \pm 0,04$
GI ((Loe, Silness)	$0,98 \pm 0,01$	$0,10 \pm 0,01$	$1,85 \pm 0,12$	$0,2 \pm 0,025$	$2,93 \pm 0,24$	$0,35 \pm 0,02$
PI (Russel)	$3,12 \pm 0,12$	$2,71 \pm 0,25$	$4,69 \pm 0,24$	$3,5 \pm 0,30$	$6,71 \pm 0,42$	$4,79 \pm 0,5$
mSBI милкдан кон кетиш индекси	$0,5 \pm 0,04$	$0,1 \pm 0,01$	$1,75 \pm 0,02$	$0,5 \pm 0,06$	$2,8 \pm 0,02$	$1,0 \pm 0,16$
ПЧ чуқурлиги	$3,48 \pm 0,25$	$3,0 \pm 0,27$	$4,80 \pm 0,34$	$3,7 \pm 0,40$	$6,53 \pm 0,41$	$4,3 \pm 0,35$
тишларнинг патологик қимирлаши Д. А. Энтин бўйича	$1,24 \pm 0,10$	$0,9 \pm 0,07$	$2,36 \pm 0,18$	$1,6 \pm 0,12$	$3,0 \pm 0,27$	$2,1 \pm 0,25$

Изоҳ: *- кўрсаткичлар амалий соғлом шахслар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқларга эга ($p < 0,05$).

Назорат гуруҳидаги СТП билан оғриган беморларда клиник кечиш оғирлигининг ошиши оғиз бўшлиғи гигиенасининг пасайиши ва пародонтнинг яллиғланиш-деструктив шикастланишининг кўпайиши билан боғлиқ эди (2-жадвал). Соғлом пародонтли шахслар кўрсаткичларига нисбатан СТПда пародонтал статусда сезиларли ўзгаришлар қайд этилди. Меъёрдан максимал оғишлар PI, қон кетиш индекси ва пародонтал чўнтак чуқурлиги кўрсаткичларида аниқланди. СТП нинг турли даражаларида кўрсаткичлар динамикаси 3,1 дан 29,5 мартагача ўзгариб туради.

Асосий гуруҳда гигиена индекси ва пародонтал индекслар кўрсаткичлари ҳам шунга ўхшаш эди (3-жадвал).

Жадвал 3

Асосий гуруҳидаги СТП билан оғриган беморларда пародонт ҳолатини индекс баҳолаш.

Пародонтал статус	СТПЕД билан оғриган беморлар		СТПЎД билан оғриган беморлар		СТПОД билан оғриган беморлар	
	даводан олдин	даводан кейин	даводан олдин	даводан кейин	даводан олдин	даводан кейин
OHI-S	1,37±0,11*	0,5±0,01	2,26±0,14	0,87±0,10	2,84±0,18	0,9±0,07
GI (Loe, Silness)	0,92±0,01	0,30±0,02	1,81±0,12	0,48±0,06	2,67±0,24	0,84±0,09
PI (Russel)	3,12±0,12	2,71±0,25	4,53±0,4	4,2±0,57	6,51±0,19	5,85±0,9
mSBI милкдан қон кетиш индекси	0,5±0,04	0,3±0,03	1,6±0,02	0,9±0,07	2,8±0,35	1,7±0,2
ПЧ чуқурлиги	3,46 ± 0,25	3,35±0,27	4,72±0,34	4,5±0,40	6,54±0,41	6,0±0,7
тишларнинг патологик қимирлаши Д. А. Энтин бўйича	1,24±0,10	1,0±0,1	2,35±0,13	1,97±0,18	3,0±0,27	2,5±0,3

Изоҳ: *- кўрсаткичлар амалий соғлом шахслар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқларга эга ($p < 0,05$)




Беморларни даволаш протоколи асосий ва назорат гуруҳларида бир хил эди, фақат назорат гуруҳида профессионал гигиена аутоплазма фибрин мембраналарини қўлламасдан пезо-ультратовушли скайлер ёрдамида амалга оширилди (2-расм). Маҳаллий даволаш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олган:

- 0,05% ли хлоргексидин эритмаси билан чайиш;
- Пародиум гелини вектор терапияси ва фибрин мембраналарини киритиш билан қўллаш;
- Женкелсон усули бўйича танлаб силлиқлаш;
- Пастки жағ фронтал тишларининг барқарорлиги бўлмаганда - вақтинчалик шиналаш.

Умумий терапия қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Трихопол 500 мг дан кунига икки маҳал 5-7 кун давомида қабул қилиш;
- Ибупрофен 100 мг кунига бир марта 3-5 кун давомида;
- Лактофилтрум - бир таблеткадан кунига уч маҳал 5-7 кун давомида;
- Аскорутин - бир таблеткадан кунига уч маҳал 10 кун давомида;
- Новопассит - бир таблеткадан кунига икки маҳал 10 кун давомида.

Реабилитация босқичида пархез, оғиз бўшлиғи гигиенасининг қатъий режими, авайловчи режим ва диспансер кузатуви тайинланди.




2-расм. Vector даво ва фибрин мембраналарини олиш.

Комплекс даводан сўнг гигиена индекси ва пародонтал индекслар кўрсаткичлари сезиларли ўзгаришларга учради:


- ОНІ-S: 1,45 дан 0,15 гача (тахминан 89,66 %) пасайиши оғиз бўшлиғи гигиенасининг сезиларли даражада яхшиланганидан далолат беради.
- GI (**Loe, Silness**): 0,98 дан 0,10 гача пасайиши (тахминан 89,8 %) милк яллиғланишининг сезиларли даражада камайганини кўрсатади.
- ПИ (Russel): 3,12 дан 2,71 гача (тахминан 13,14%) пасайиши пародонт ҳолатининг ўртача яхшиланишини кўрсатади.
- mSBI: 0,5 дан 0,1 гача пасайиши (80%) милклардан қон кетишининг сезиларли даражада камайишини акс еттиради.
